Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 24 февраль, чоршанба

№ 36. (21. 390).

Нархи: 5 сўм

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР

Ҳурматли Ислом Абдуғанийевич!

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туман фаоллари Сиз бошчилигингизда республика ҳукумати томонидан олиб бораётган одилона, халқчил сиёсатингизни бугунги сиёсий ва иқтисодий шароитга ягона муносиб деб билади ва якдиллик билан тўла маъқуллайди. Замонга ҳамоҳанг, оқилона қонунлар билан кафолатланган фуқаролар тенглиги ва миллатлараро тотувлик Сиз олиб бораётган келажаги улкан ишнинг илк мевасидир деб ҳисоблаймиз. Ҳар биримизнинг тақдиримиз, бугунги кунимиз ва болаларимиз келажаги фақат ўз юртимизда ўзимизни халол, сидқидилдан элимизга бағишланган меҳнатимиз туфайли ҳал қилинажагини чуқур ҳис этмоқдамиз. Кейинги пайтда рўй бераётган хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, порахўрлик ва кун кечиришнинг осон йўлини изловчи шахслар кўпайиб кетиши ҳукуматимиз томонидан аҳолини бозор иқтисодига ўтиш жараёнида муҳофаза қилишга қаратилган чораларга путур етказмоқда ва бу ҳар бир софдил инсонни ташвишга солмоқда.

Шундай экан, Сизнинг ташаббусингиз билан жиноятчиликка, қонунбузарликка, уюшган жиноий гуруҳларга қарши бошланган курашни қўллаб-қувватлаймиз ва бу ишни ҳар бир Ўзбекистонлик фуқаро учун ҳам фарз, ҳам қарз деб биламиз. Биз бугун маҳаллаларда сақланиб қолган миллий анъаналаримиз имкониятларини, ҳур Ўзбекистон қонунларининг бор куч-қудратини жиноятчилик ва бошқа носоғлом кўринишларни бартараф этиш ишига сафарбар қилишимизга, бу ишда барча давлат идораларига ёрдам беришимизга Сизни қатъий ишонтирамиз.

Собир Раҳимов тумани фаоллари бор кучингизни, соғлигингизни, билимингизни халқимиз манфаати йўлига жасорат билан, фидойиларча сафарбар этаётганлигингизни яхши тушунадилар ва бу ишда Сизга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат, силангизга тинчлик, осойишталик ва бахт тилаб қоладилар.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ ФАОЛЛАРИ.

Бозор иқтисодиётининг беаёв синовлари нафақат ташкилот ва корхоналарни, балки меҳнаткаш инсонларни ҳам ташвишга солиб қўйди. Бироқ, ҳунари борлар бундан истисно. Сабаби аён. Бозор шароити меҳнатни, яратувчиликни ёқтиради. Ҳунармандлар эса айнан меҳнаткаш, яратувчилар сирасидан.

Дилфузахоннинг ҳам кўплар ҳавас қилгулик ҳунари бор. У Тошкент тикувчилик бирлашмасида ишлайди. Бу масканга 7 йил бурун келганди. У ҳунар-техника билим юртини тугатди-ю, шу ерни танлади. Ростн, тикувчиликни танлаб адашмаган экан. Мана, режани доимо уддалаганидан, меҳнатда интизомни қадрлаганидан ўзи ҳам эъзозда. Ҳамкасблари ҳурмат қилишади. Маъмурият эса мукофотлар бериб, сийлаб туради.

Йил бошининг дастлабки ойи сарҳисобига кўра, у яна илғорлар рўйхатида.

Суратда: Д. СОТВОЛДИЕВА.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

• *Борис Олейник:*

«МАРД, ДОНО ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН»

Украина Республикаси бош вазири Леонид Кучма матбуот ходимлари билан уч рашганда икки мустақил давлатлар ўртасида имзоланган шартномалар ҳақида шу қадар мамнуният билан гапирдики, азалдан иқтисодий ва маданий алоқа қилиб келаётган халқлар гўё бир-бирларини қайтадан кашф этишгандек эди. Ҳамкасбларимиздан бири Леонид Даниловичга шундай савол берди: «Бир вақтлар машҳур санъаткоримиз Тамарахоним «Украина ва Ўзбекистон» қўшиғини илҳом билан ижро этарди. Айтингчи, иқтисодий шартномалардан ташқари маданий алоқаларни йўлга қўйиш ҳақида ҳам келишиб олиндими?». Бош вазирнинг жавоби лўнда бўлди: «Албатта. Делегациямиз сафида маданият ва санъат арбоблари ҳам бор. Улардан бири оқсоқолимиз (Л. К. Кучма айнан шу сўзни ишлатди. — Ш. Ж.) таниқли шоир Борис Илъич Олейникдир».

Ҳамма ялт этиб Бош вазир ишора қилган томонга — Борис Олейникка қаради. Нафақат бадиий ижоди, айни пайтда дадил сиёсий фаолияти билан дунёга танилган миқти гавдали Борис Олейник бир чеккада камтарона ўтирарди.

Борис Олейник Тошкентда! «Шундай ноёб имкониятдан фойдаланиб қолиш керак». Анжуман тугагач меҳмоннинг қўлини олдик. Қисқа мулоқотимиз бошланиб кетди. Ҳамсуҳбатимизнинг руҳиятидан ўзбеклар юртига ташриф буюрганидан миннатдорлиги шундоқ кўриниб турарди.

— Ажойиб Президентларингиз бор, — дея таассуротлари билан ўртоқлашди Б. Олейник. — Ўзбекистон буюк давлатлар сафидан жой олишига ишонаман. Сизлар билан янада қалин ҳамкорлик қилишимиз кераклигини чин дилдан ҳис этдик. Насиб этса ҳали кўп кўришамиз, «Украина ва Ўзбекистон» қўшиғини биргаликда айтамиз.

«Ўзбекистон овози» газетхонларига қандай истакларингиз бор?

Борис Ильич чўнтагидан қаламини олиб ушбу дастхатни ёзиб берди:

Благодаря читателям „Узбекистан овози", а вместе всему мужественному, мудрому узбекскому народу! Духовное процветание неделимо. Мы были и будем вместе!

Об сердце
Борис Олейник
20.II-93 г.

«Ўзбекистон овози» газетхонларига, уларнинг тимсолида эса мард, доно ўзбек халқига таъзим қиламан! Маънавий масофалар бўлинмасдир. Биз бирга эдик ва бирга бўламиз! Чин дилдан

Борис ОЛЕЙНИК».

Бу гапларга қўшимча қилишга ҳожат бўлмаса керак.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• *Нуроний қалб сўзи*

ШУКРОНА АЙТАМИЗ

⊙ Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг бугунги олиб бораётган сиёсати халқимизга манзур бўлаётир. «Ўзбекистон овози» газетасида бу ҳақда кексалар имзоси билан босилган мактубдан кейин мен ҳам қўлимга қалам олдим.

83 ёшдаман. Умримда турмушнинг оғир-енгил кунларини кўп кўрдим. Порахўрлик, ўғирлик, олиб-сотарлик каби иллатлар жамиятимизда ҳамиша тавқи лаънатга учраган. Бу гал ҳам шундай бўлаяпти. Очиғи, кейинги пайтларда иқтисодиётимиздаги барқарорликдан фойдаланган баъзи кимсалар нафсга берилиб кетдилар. Кичик, шахсий корхона раҳбарларидан кўпчилиги қинғир ишга қўл урдилар. Эндигина савдога қадам қўйган йигитчалар босар-тусарини билмай қолишди. Натижада халқ нафақат хизмат кўрсатиш соҳаларидан, балки бу тармоқлардаги ғайриқонуний ҳаракатларни хаспўшлаётган ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятидан ҳам норози бўла бошлади. Ана шундай пайтда Президентимиз И. Каримов жиноятчиликка қарши курашга барчани даъват этди.

Яқинда бизнинг Самарқанд вилоятимизда ҳам қўли қинғир, нопок кимсаларнинг қўлга олинганлигини эшитиб, таскин топдим. Бу одамларда ҳам ҳукуматга, ҳам адолатга нисбатан ишонч уйғотди. Зеро, Қобуснома-да «Ҳар одам ақчани ўзидан ортиқ тутса, азизликдан хорликка етишади. Азиз одамнинг мол тўплашга рағбатлантириши ўзини ҳалок этганлигидир» деб қайд этилган.

Шу ўринда мен бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Юзга яқин невара-чевара қуршовида замонага шукрона айтиб турмуш кечираяпман. Фарзандларимнинг ҳаммаси халққа ҳалол хизмат қилишмоқда.

Тошмурод ҚУЛДОШЕВ,
Пастдарғом районидаги Бахшибой қишлоғида яшовчи нафақахўр, Меҳнат Қаҳрамони.

ХДП ҳаётидан

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар кенгашига бугунги кунда 880 нафар Халқ демократик партияси аъзолари уюшган. Бироқ, аъзоларнинг тенг ярмиси ҳалигача партия ҳужжатларини олишмаган. Бунинг сабаби шаҳар кенгашининг саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари билан алоқаси сусайиб қолганидадир.

Жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Буни қуйидаги мисоллар ҳам кўрсатиб турибди: Навоий қурилиш бошқармасида 160 нафар ХДП аъзоси рўйхатга олинган бўлса-да, лекин шу вақтгача бу ерда бошланғич партия ташкилоти тузилмаган. Натижада партия ҳужжатларини топшириш, аъзолик бадалларини йиғиш ишлари ўлда-жўлда. Жамоа ўртасида олиб бориладиган тушунтириш, оммавий-сиёсий ишлар ҳақида гапирмай ҳам қўяқолайлик. Бошқармада бошланғич партия ташкилоти йўқлиги сабабли аъзолардан ким кўчиб кетяпти, ким ҳарбий хизматга чақириляпти — билиб бўлмайди. Бундай аҳволни 15-«Югроммонтаж» трести мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шаҳар кенгаши эътиборидан четда қолган яна бир саноат корхонаси бу «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Бирлашмада 54 нафар ХДП аъзосидан эндигина 14 нафари партия ҳужжати олганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бирлашма бошланғич партия ташкилоти котиби А. Неконов кейинги икки-уч ой давомида бирор-бир ишлаб чиқариш илғори ҳисобига партия сафининг ўсганлигини эслай олмайди. Тўғметаллургия комбинати, Навоий цемент заводи, машинасозлик заводида ҳам партия ташкилотлари сон ва сифат жиҳатидан ўсмаяпти.

Партиянинг асоси бўлмиш бошланғич ташкилотлар билан ишлашда ана шундай сусткашликларга йўл қўйилаётган бўлса-да, шаҳар кенгаши бюро аъзолари, жумладан, биринчи котиб Ў. Нарзиев нима учундир хотиржам. Назаримизда кенгаш ходимлари сиёсий ташкилот нуфузини аввало бошланғич партия ташкилотлари белгилашини унутишган кўринади. Кенгаш билан бошланғич ташкилотлар орасидаги алоқа мустаҳкамланмас экан, шаҳар партия ҳаётидаги нуқсонлар кўпайса кўпаядики, бироқ камаймайди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМ БЎЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бандихон райони кенгашининг навбатдан ташқари ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ж. Нормўминовни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район кенгашининг биринчи котиблиги вазифасидан озод қилди. Амир Темур номли мактаб директори С. Муҳаммадиев район кенгашининг биринчи котиблиги вазифасига сайланди. Шунингдек, пленум Ч. Мирзаевни ҳам район кенгаши котиблигидан озод қилди. Қизириқ район партия кенгашининг масъул котиби бўлиб ишлаган Б. Бобоқулов котибликка сайланди. Пленум ишида ЎзХДП Сурхондарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Х. Э. Эрматов иштирок этди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТ МАМЛАКАТ КЎРКИ БЎЛСИН!

Кейинги пайтларда аҳоли ва давлат мулкига кўз олайтирган қўли эгриларга ҳамма жойда изчиллик билан кураш олиб борилмоқда. Бу катта ва машаққатли ишда республикамизнинг ички ишлар ҳамда прокуратура органларининг кўп сонли ходимлари кенг сафарбар этилганлар.

Куни кеча Тошкент шаҳар фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

Фаоллар йиғилиши кун тартибига қўйилган масала — «Тошкент шаҳрида жиноятчилик ва қонунбузарликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисида» Тошкент шаҳар прокурори Э. Жўраев маъруза қилди. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, милиция генерали Қ. Қ. Ғофуров қўшимча маъруза қилди.

Давлат савдоси дўконларида харидордан яширилган талай моллар четга олиб чиқиб кетилаётганда, ушланган. Айниқса тонналаб озиқ-овқат маҳсулотлари гумдон қилинмоқда.

Саноат корхоналаридаги ўғирликдан ёқа ушлаш мумкин. Тошкент трактор бирлашмасида бир эмас, 25 та трактор ўғринча сотиб юборилган. Қўйлиқ темир-бетон буюмлари заводи маъмуриятн 17 вагон маҳсулотни қалбаки ҳужжат билан четга юбораётганда фош этилди.

Нотиқлар барча назорат идоралари, айниқса суд органлари фаолиятида сусткашлик, жиноятчиларга нисбатан «меҳрибонлик» ҳукм сураётганлигини гапирдилар. Жиноятчиликка нисбатан кескин кураш олиб бориш учун айбдорларни истиқомат жойларида омма иштирокида суд қилиш тартибини жорий қилиш зарурлиги тўғрисида сўзладилар.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков якунловчи нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев ва республика Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудири Б. Ҳусанбоев иштирок этдилар.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри ҳам аввало аҳолининг осойишталигини сақлашда, тинчлик ва намунали тартиб ўрнатишда мамлакатимизнинг кўрки бўлиб қолсин.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ҚЎҚОНҚИШЛОҚ ЎҒЛОНЛАРИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА

«ОРЗУИМГА ЭРИШДИМ»

● Фарҳоджоннинг Туркиядан жўнатган рангли расмнга қараб туриб ғалати ҳолатга тушдик. Жуссаси кичик, истараси иссиқ ўзбек йигити ўзига ярашган кийимда дўстлари қаторида ғоз турибди.

«Дадажон, аяжон. Туркияга ҳам етиб келдик. Анқаранинг гўзал ва ям-яшил жойларида юрибмиз. Мана, ниҳоят орзуимга эришдим». Фарҳоджон ўзининг биринчи хатида илк бор кўрганларини ҳаяжон билан ёзади.

Фарҳоджон Қодирохунов Пахтаобод шаҳрида оддий ишчи оиласида тарбияланган. Тўнғич ўғил. Дадаси Турсунбой аканинг айтишича, спортга жуда қизиқарди. Бирор дақиқа вақтини бекор кетказмасликка ҳаракат қиларди. Русча мактабнинг 3-синфни битириб, ўртоқлари билан Фаррона шаҳридаги билим юртига ўқишга кирди. Уч йиллик ўқиш давомида Фарҳоджоннинг барча ўртоқлари ўқишни ташлаб қайтиб келдилар. Турсунбой аканинг зўри билан Фарҳоджон ўқишни аъло баҳолар билан тугаллади. Сўнг Тошкентдаги билим юртига кириш учун имтиҳон топширди. Имтиҳондан сўнг Тошкентдан Фарғонага чақиришди, Туркияга ўқишга боришини маълум қилишди. Қодирохуновлар оиласи учун кутилмаган ва ажойиб бу хабар тез орада ҳақиқатга айланди.

Фарҳоджон уйига ёзган биринчи мактубида 6 ойгача турк ва инглиз тилларини ўрганишларини, уларга ҳамма нарса бепул бўлишини, ҳозир ўзи 1 миллиард лира маош олаётганини фахр билан ёзади. Ота-онаси ишончи ва ўз қатъияти билан 19 ёшида шундай улуғ ниятга эришган Фарҳоджон Туркияда 4 йил таҳсил олади. Агар қунт билан аъло баҳога битирса ўқишини яна давом эттириш имтиёзи бор. «Ўзимизнинг барча орзу ва ниятларимизни Фарҳоджон тимсолида кўришни тилаяпмиз», — дейишади отаси Турсунбой Қодирохунов билан онаси Мақсудахон Мадолимовалар.

«ҲАНУЗГАЧА ИШОНМАЯПМАН»

● Бурҳонжон — онлада учинчи фарзанд. Одатдаги мактабда ўқиб, одатдаги болалардек вояга етди. Ўрта мактабни тамомлагач Тошкент автомобиль йўллари олийгоҳига ўқишга кирди. Айни пайтда учинчи курсда таълим олмоқда эди. Бирданига...

Ўзбекистон ёшларининг катта бир гуруҳи Туркияга ўқишга жўнатилиши ҳақидаги хабар бутун мамлакат бўйлаб тарқалди. Кимдир ўғли, кимдир қизининг Туркияга боришини орзу қилди. Лекин ҳамма гап омадда экан...

Бурҳонжон юрак ютиб ўқишга жўнайдиганлар қаторида имтиҳон топширди. Шу билан Туркияга бориш учун ўзига йўл очди!

«Ҳанузгача ишонмаяпмиз», — дейди Бурҳонжоннинг отаси Нажмиддин Усмонов. — «Биз учун кутилмаган воқеа. Аммо ўғлимизнинг Туркиядан ёзаётган мактублари, тез-тез сим қоқишлари ишончимизни уйғотди».

Ҳа, Бурҳонжон Усмонов Туркиянинг Анқара шаҳридаги Ғози дорилфунунининг талабаси. Йигирма ёшли уйғур йигити ҳозир тақдиридаги бу омадни қўлдан бермаслик учун астойдил ўқимоқда. «Туркияга борган ўзбекистонликлар, айни пайтда фақат тил ўрганишяпти, — деб ёзади Бурҳонжон ўз хатида, — 750000 лира пул берар экан. Ортиқча ташвишга ҳожат йўқ. Тўрт йил ҳадемай ўтиб кетади».

Узоқ Туркиядан Қўқонқишлоқнинг (Пахтаобод райони) Уйғур қишлоғига атиги ўн беш кун, йигирма кунда етиб келади. Аҳёнаҳёнда эса телефонда Бурҳонжон тўғридан-тўғри уйларига сим қоқади. «Ассалому алайкум, отажон, онажон» дея...

Жаҳон ойнагига балли! Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» асарида жаҳон ойнагини таърифлаб бекорга ёзмаган экан. Президентимиз Ислом Каримовнинг Туркияга сафар чоғи шу ойнаи жаҳон орқали кўрсатилганда, кутиб олиш дақиқаларида Бурҳонжон ҳам кўринди. «Болагинам, ана болагинанг кўринди, ана-ана онаси, кўргин-а!» — дерди Нажмиддин Усмонов севинчини ичига сиғдиролмай.

ЛИЦЕЙДАН КАЙСАРАГА

● Акмалжон, Қаҳрамонжон ва Ўғилой Болтабоевларнинг тўнғич фарзанди. Эндигина 15 ёшга тўлди. Русча мактабда таҳсил оларди. 1992 йилнинг сентябрида Андижон шаҳридаги 12-ҳунар-техника билим юртида очилган лицейга танланган болалар қаторида Акмалжон ҳам бор эди.

У физика ва математика фанларига қизиққани учун лицейнинг барча имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди. Лицейда атиги бир ойгина ўқиди, Андижон вилояти халқ таълими бошқармасида 30 нафарга яқин болаларни тўплаб математикадан 40 тача масала ечтирилди. Ҳамма масалаларни ечган болаларни эса Туркияга ўқишга юборишларини айтдилар.

Шунча ўқувчининг орасида Акмалжонга омад кулиб боқди! У Туркияга боради! Акмалжон Болтабоев андижонлик 6 тенгдоши билан ҳозирда Туркиянинг Кайсара шаҳридаги лицейда таҳсил олмоқда. Бошқа билим юртларидагига ўхшаш улар ҳам ҳозирча турк тилини ўрганмоқдалар. Ўқиши 3 йиллик. Жўнаб кетганларидан бери бир марта мактуб келди. Келгуси мактубларида Кайсарада нималар қилаётгани ҳақида ёзишини уйидагилари интиқлик билан кутишмоқда.

Тўхтасин ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Матлуба ЮСУПОВА,
журналист.

ПАРТИЯ АЖБОРОТИ

ДЕПУТАТНИНГ ТАШВИШИ КЎП

Самарқанд шаҳар партия кенгаши қошида депутатлар қабулхонаси ташкил этилди. Бундан кутилган мақсад бозор иқтисодиёти шароитида шаҳар фуқароларига ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам бериш, уларни қизиқтираётган саволлар, масалалар юзасидан мулоқот ўтказишдир.

— Очиғи, мен дастлабки қабулдан катта қониқиш олдим, — дейди ХДП аъзоси, шаҳар Кенгаши депутати, Самарқанд тиббиёт билим юрти директори Я. Оллоёров. — Чунки кишиларни қизиқтираётган саволлар авваламбор бизни ҳам ўйлантиради. Ва ана шу муаммолар устида ишлашга ўргатади.

ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби Ш. Ғиёсов тажриба-эксперименталь заводи жамоаси билан учрашди.

Республикамиз раҳбариятининг бугунги кунда олиб бораётган сиёсати ва унга партиянинг муносабати ҳақида гапирди. Нотиқ ҳозирги мураккаб жараёнда босиқлик билан, оқилона иш юритиш, ўзаро ҳамкорликка ундаш партиянинг биринчи галдаги вазифаси эканлигини таъкидлади ва тўпланганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Корхона директори, ХДП аъзоси Р. Овчиев бундай учрашувлар мустақил Ўзбекистонимиз тараққиёти учун фойда келтиражагини айтди. Ўша куни заводда ЎзХДПнинг бошланғич ташкилоти тузилди.

Ф. ТОШЕВ.

ФАОЛИККА ДАЪВАТ

ЎзХДП Сирдарё вилояти кенгашининг ижроия бюроси жиноятчиликка қарши курашда бошланғич ташкилотлар роли ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Бу ҳақда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов ахборот берди.

Шундан сўнг муҳокамада иштирок этган нотиқлар, вилоят шаҳар ва районлари, қишлоқларида жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи, уни бартараф этиш йўллари, бу борада бошланғич ташкилотлар ва партия аъзолари олдида турган вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Ижроия бюроси кўрилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди ҳамда вилоятдаги барча партия аъзолари ҳамда вилоят меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилинди. Мурожаатномада жиноятчиликка қарши курашда ҳамманинг фаол иштирок этишига даъват этилди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ДАВР ОВОЗИ» ПАРТИЯНИНГ ҲАМ ГАЗЕТАСИ

● Олтариқ район ҳокимлигининг газетаси «Давр овози» эндиликда Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгашининг ҳам нашрига айланди.

ХДП район кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида газетага ҳаммуассис бўлиш ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Райондаги кўпсонли ХДП аъзолари бу қарорни хушнудлик билан кутиб олдилар.

А. ИБОДИНОВ.

ФАОЛЛАР ИЙҒИЛИШИ

ДАВР ВА МАСЪУЛИЯТ

Андижон вилояти юрт оғаларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат» рисоласида баён этилган фикрлар ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги қарори асосида вилоятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Вилоят ҳокими Қ. Обидовнинг маърузасида ва сўзга чиққанларнинг нутқларида ҳозир жумҳуриятимизнинг ҳар бир фуқароси давр масъулиятини англаб, вазифасини сидқидилдан бажариши зарурлиги айтилди. Шундагина мустақиллигимиз мустаҳкамланади, ҳаётимиз фаровон бўлиб боради, тинчлик ва осойишталик қарор топади.

Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев сўзга чиқди.

* * *

Бухорода ҳам шу масалага бағишланган юрт оғалари йиғилишида вилоят ҳокими Д. Ёдгоров маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар республика раҳбариятининг аҳоли эҳтиёжманд табақаларини бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликларидан пухта ҳимоялаш, ҳуқуқ ва тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг пайини қирқиш сиёсати қизғин қўллаб-қувватланаётганини таъкидладилар.

(ЎзА).

ВОРИСЛАРИМИЗ СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕБ

Тошкентда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Одатда, ҳар қандай шифокордан бемор олдида ўзининг масъулиятли эканини англаб етиши талаб этилади. Бироқ болалар шифокори, доялар, гинекологлар олдида эса айни пайтда ҳам оналар, ҳам фарзандлар саломатлигини асрашдек масъулият туради. Тўғри, бугунги кунда республикада оналар ўлими қариб икки баравар камайди. Кам қон ҳомиладор аёлларга, ёш болаларга озиқ-овқат, дори-дармонлар олишда имтиёзлар яратилди. Бироқ ҳануз ечими ҳал этилмаётган муаммолар талайгина.

— Шуни унутмаслик керакки, — деди соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов — саломатлиги яхши онагина соғлом фарзанд кўради. Демак, биз аввало аёлларимиз саломатлиги ҳақида жон куйдиришимиз лозим. Айни пайтда келажак ворислари соғлиғи учун ҳам жавобгармиз. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳали мурғак болажоннинг касалликка кўп чалинмаслиги, соғлом бўлиши учун унга фақат она сути зарур. Шу боис биз бу йилни рамзий маънода фарзандларни она сути билан боқиш йили, деб белгиладик.

Кенгаш қатнашчилари мутахассис-шифокорларнинг қатор мазмунли нутқларини тингладилар, баҳс, мунозараларда қатнашдилар.

Кези келганда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларига шуни эслатмоқчи эдикки, республикамизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганига ҳам анча вақт бўляпти. Мамлакат миқёсида ўтказилган мазкур кенгаш давлат тилида олиб борилганида қонунга ҳурмат нафодаси бўлармиди?

У. ФАЙЗИЕВА.

ХОРАЗМЛИКЛАР УНУТМАЙДИГАН САНА

● Асрий чўл ва қум саҳроларни оралаб бунёд этилган пўлат из — Чоржўй—Урганч темир йўли бўйлаб сафарга чиққан биринчи поезд Хоразм вилояти марказига етиб келганига яқинда 40 йил тўлди.

Амударёнинг чап соҳили бўйлаб бунёд этилган 400 километрлик бу трассани хоразмликлар қувона-қувона «Бахт йўли» деб аташган эди. Улуғ Ватан урушидан кейинги оғир тикланиш йилларида фойдаланишга топширилган бу темир йўл воҳа халқ хўжалигини ривожлантиришда чиндан ҳам, ёрқин истиқбол уфқларини очиб берди. Ана шу трасса қурилиши кейинчалик Кўнғирот-Бейнов орқали давом эттирилиб, Россия Федерациясининг темир йўл изларига улангани Хоразмдан бевосита Ғарбга чиқиш имконини яратди.

Урганч шаҳрига биринчи поезд келган кун тантанали нишонланди. Унутилмас сана муносабати билан вилоят марказидаги бекатда темирйўлчилар музейи, қатор савдо шохобчалари очилди. Пўлат из бунёдкорлари, фахрий темирйўлчилар, уларнинг бугунги авлодлари байрам билан муборакбод этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Урганч шаҳар кенгашида ҳам бу қутлуғ сана тантанали нишонланиб, темир йўлчилар фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

22 февраль куни Тошкентда «Хусусийлаштириш — иқтисодий ислоҳотнинг ижтимоий бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим омили» мавзуида халқаро анжуман очилди.

Ушбу семинарда дунёнинг ўндан зиёд мамлакатларидан иқтисодчи олимлар, мутахассислар, ишбилармонлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим босқичи бўлган хусусийлаштиришда мамлакатимиз қўйган илк қадамларни жаҳонда тўпланган бой тажриба билан солиштирадилар, бу борадаги синалган ишланмаларни амалда татбиқ этиш учун тавсия қиладилар. Анжуманнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилаётгани жаҳонга юз очган Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият доирасида ҳамкорлик қилишга дадил киришаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов, БМТнинг Ўзбекистондаги резедент вакили Х. Малик, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия дорилфунуни ректори С. Саидқосимов, БМТнинг саноатни ривожлантириш ташкилоти вакили Ж. Вотс анжуман очилишида ана шулар ҳақида сўзладилар.

А. КАРИМОВ.
(ЎзА).

● *ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?*

Самарқанд «КрАЗ»и

Сиз кўриб турган ушбу сурат рамзий маънога эга. Унда мозий билан бугунги кунимиз учрашиб турибди. Бу—бежиз эмас. Тарихда бунёдкорлик маркази саналган Самарқанд ҳозирда ҳам яратувчилик нафаси билан яшамоқда.

Мана бу қудратли машина ҳам қўҳна ва навқирон шаҳарда дунёга келди. Уни «Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанддаги тажриба-эксперименталь механика заводида ясашди.

Кременчук автомобиль заводи машҳур «КрАЗ» юк машинасининг шассисини етказиб берди. Қисмларни йиғиш, кузов тайёрлаш ва бошқа юмушларни эса самарқандлик автомобилсозлар амалга оширишмоқда. Ҳозиргача 30 та ана шундай улкан машина корхоналарга етказиб берилди.

Завод жамоаси келгусида бундай машина учун эҳтиёт қисмларнинг аксариятини шу ернинг ўзида тайёрлаш чораларини кўрмоқда.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

В. ТИМЧЕНКО олган сурат.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

«Ўзбекистон-Ватаним менинг» конкурсига

«МИНГ МАРЖОН»дан БИР МАРЖОН

ЁЗУВЧИ ЙЎЛДОШ МУҚИМОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Йўлдош ака, болалигимдаёқ Сизнинг «Йўл йироқ, кўнгил яқин» деган китобингиз қўлимга тушганди. Гарчанд тўплам ҳикоя ва очерклардан иборат бўлса-да, асар номи замирида сизнинг она қишлоғингиздан, яқин дўст-биродарларингиздан бироз узоқроқда юрганлигингиз, аниқроғи, дийдор соғинчи қаҳрамонларингиз туғуси билан қоришиб кетганлиги сезилиб турарди...

— Ушбу китоб тўнғич асарларимдан ташкил топган эди. Табиийки, дастлабки машқлар асосида болаликда, ўспиринлик, ёшлик чоғларда ҳаётдан олинган таассуротлар, ўша даврдаги ёр-биродарлар, таниш-билишлар билан боғлиқ воқеалар ётади. Ижодкор сифатида ўзингизга ҳам маълумки, она қишлоғингиз, унинг теварак-атрофидаги биринчи бор кўрганингиз — табиат манзаралари кўз олдингиздан кетмайди. Ёшлик даври туйғулари унутилмасдир. Бу туйғулар бир умр сиз билан бирга ва улар яна бошқа асарларингиздан, улғайганингизда, қариган чоғингизда ёзиладиган китобларингиздан ҳам ўзига жой қидиради. Балким «Жой қидиради» деб хато қилдим. Бу оташин ҳислар, бу теран туйғулар ипак қатимлари каби шу қадар майин, ўта нозикки чизаётган нақшингизга беихтиёр қўшилиб-чатишиб кетганини ўзингиз билмай қоласиз.

Ҳозирги кунларда ҳам қалам тебратиб турганимда кўнглимни илк бор мафтун қилган манзаралар, таассуротлар фикр ва зикр қилиш жараёнида ҳукмрон. Улар бирламчи, кейинроқ бошдан ўтган кечинмалар иккиламчидир. Ҳозир нимани ёзсам, барибир кўз ўнгимда ўша қишлоғим, ўша ариқлар, ўша дала-даштлар гавдаланади. Бундан кейинги китобларимда ҳам ана шу манзаралар диққат марказимда турса керак, деб ўйлайман.

— Янглишмасам, бир неча муддат Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қузуридаги очерк ва мақолаланишлик кенгашига ҳам раислик қилдингиз. Сиз Ўзбекистон халқининг меҳнатини, орзу-умидларини, қувонч-ташвишларини собиқ Иттифоқнинг бош нашри—«Правда»да қийналмай ёрита оладиган адиблардан эдингиз. Мени анчадан бери ўйлантириб юрган саволим бор. Шундай алғов-далов бир даврда ҳам қачонлардир ўзингиз бошида турган жанр — очерк ва публицистикага деярли мурожаат қилмай қўйдингиз. Бу ёзишдан чарчашликданми, ёки ҳар қандай бонг ҳам таъсирсиз ўтиб кетаверишидан дилингиз зада бўлганми?!

— Халқимизда «Бошга тушганни кўз кўради» деган ҳикмат бор. Аслида шоир бўлиш ниятим бор эди. Бешинчи синфда ўқиётганимдаёқ шеър ёза бошлаган эдим. Биринчи шеърларим Ғиждувон райони рўзномаси «Колхоз ҳақиқати»да босилган. 1941 йил июнь ойининг охирларида, яъни Улуғ Ватан уруши бошланиб кетганидан бир неча кун ўтгач, «Офарин сенга» деган шеърим вилоят рўзномаси «Бухоро ҳақиқати»да босилган эди. Унда фашистларнинг бир гуруҳ қирувчи самолётини ўзининг ёнида турган самолёти билан уриб тушириб, ҳалок бўлган учувчининг қаҳрамонлиги мадҳ қилинган эди.

Сўнгра Бухоро ва Тошкентда ўқиб юрган даврларимда анчагина шеърлар ёздим. Улар турли рўзномалар ва журналларда босилиб турди. Кейинроқ, эса матбуотда ишлаб юрган кезларимда очерклар, публицистик мақолалар ёза бошладим. Тақдир тақозоси билан 1960 йилдан бошлаб «Правда» рўзномасида ишлай бошладим. Рус тилида ёзиш усулларини ўрганишга кўп куч сарфлашга тўғри келди. Бу ишга 25 йиллик энг қаймоқ давримни, кучғайратга тўлиқ умримни сарфлашимга тўғри келди. Бу гапни афсус оҳангида айтаётганимнинг сабаби шундаки, ўша даврда шеър ёзиш уёқда турсин, ҳатто ўз она тилимда ижод қилишдан ҳам қарийб маҳрум бўлаёздим.

Эссиз даврим, дейман ҳозир. Достонлар, қиссалар ва ҳатто романлар ёзиш ниятим бор эди. Бари қолиб кетди. Топшириқ шу қадар кўп бўлардики, аҳён-аҳёндагина, ўзбек тилида ёзишга вақт топардим. Соғинардим ва она сути билан қону жонимга, руҳи-равонимга сингган тилда ёзиш эсимдан чиқмасин, деб шундай қилардим. Агар таъбир жоиз бўлса, она тилимда ёзадиган қаламим ўтмасланмасин, ишлатилмаган қиличдек занглаласин, деб вақти-вақти ила «қинидан» чиқариб «қайраб» қўярдим.

Ўзбекча ёзган очерк ва публицистик мақолаларимни назмий, қадимий, анъанавий сажъ йўсинида ёзишга ҳаракат қилардим. Ҳуморим босиларди, завқим ошарди.

«Правда»дан кейин армонли орзуларимни амалга ошириш имкони туғилди. Ростини айтсам, мени эгаллаб турган вазифамдан бўшатганларидан ҳам, ўрнини ҳеч ким ўйқ. Аксинча, кўнглимнинг бир ёғи қоронғи кечадаги ойдек равшан эди. «Энди севимли ишим билан шуғулланаман», деган таскин ва ишонч бор эди.

Шундай ҳам бўлди. Беҳуда кетган йилларда ёзилиши мумкин бўлган асарларга энди киришиш имкони туғилган эди. Бунинг устига икки-уч жилдга етарли очерклар ва публицистик мақолалар тўпланиб қолган, уларни китоб шаклида чиқариш мумкин, деб ўйладим.

Кези келганда шуни айтиш керакки, замонанинг зайли билан ёзилган ўшандай очерклар ҳозир керак ҳам бўлмай қолди. Улар балким олий ўқув юртларининг филология ва журналистика бўлимлари ёки олимлар томонидан ўша давр ҳаётининг қиғғир-қийшиқ услубини ўрганиш учунгина зарур бўлиб қолиши мумкиндир.

Хуллас, юракдаги эзгу орзу халқимизнинг қадимий ҳикматларини йиғишга бел боғладим. Бу ишни ҳамма нарсадан очерк ва публицистик мақолалар ёзишдан, яна бирор бир лавозимни эгаллаб, югур-югурлар ила қолган умрни ҳам совуришдан афзал кўрдим.

— Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги элу-юртнинг тўйига айланиб кетганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Сиз марказий бош нашрнинг Ўзбекистон бўйича ўз мухбири сифатида у киши билан чорак асрдан кўпроқ ҳамнафас бўлдингиз. Айтингчи, у кишининг кеч бўлса-да, ҳурмати жойига қўйилганлигидан юрагингиз ойдинми!

— Шароф Рашидов бу дунёдан кўз юмган машъум кун эрталаб тонгда менга марказий рўзномалардан бирининг Ўзбекистондаги ўта сезгир ва «узун қулоқ» мухбирларидан бири қўнғироқ қилди. Бошим гангиб, қотиб қолдим, Хаёлимда она юртим—Ўзбекистон осмонидаги энг ёруғ юлдуз — тонг юлдузи кутилмаганда, нохосдан ўчиб қолгандай ёки қаёққадир учиб кетгандай эди.

Нохуш хабардан кейин нима қилишимни билмай, чуқур қайғуга ботиб, ҳовлига чиқдим. Ҳозиргина пайдо бўлган фикрга жавоб топиш учун беихтиёр осмонга қарадим. Ёшлигимда, талабалик йилларимда эшитганларим—кимдир, балки ҳаваскор бир шоир тўқиган мисралар беихтиёр хотирамга кела бошлади:

Осмон тўла юлдузлар,
Қани сенинг юлдузинг!
Қани менга ваъда этган
Келажагинг, кундузинг!...

Энди биз учун, ўзбек халқи учун қора кунлар бошланишига кўзим етарди. Чунки анчадан бери шум шамоллар изғиб юрарди... Буни Шароф аканинг ўзлари ҳаммадан кўра яққолроқ сезар эдилар. Эсимда: вафотларидан сал олдинроқ ишхоналарида учрашганимда, «Правда»да берилган кичкина хабар тарзидаги луқмани менга эринмай ўқиб бердилар. Буни биз мухбирлар ўзимизга берилган мукофот деб тушунардик. У кишига маъқул тушиб қолган луқмани мен ёзган бўлмасамда, барибир ўқиб бердилар. Унда академик Обид Содиқов имзоси турар эди. Олим дунёда, халқлар орасида осойишталик, тинчликни сақлашга чорлар эди. Низога бар ҳам бериб, тотувликда яшашга даъват этар эди. Шароф ака «Деревья перестали бы качаться, да ветер не утихает» («Дарахтлар безовта тебранмасдилар, бўрон тинмаяпти») деган сатрларни ўқиб бердилар. Шошмай, секин-аста, билинар-билинмас, оҳ ургандай ўқиб бердилар. Ҳеч нарса демасдан, сўзларга алоҳида-алоҳида урғу бериб яна такрор ўқидилар.

Президент Ислом Каримов худди ана шундай адолатпарвар эканлигини амалда исбот қилди.

Ислом Каримов олижаноб тарихий вазифани адо этди. У аллақачон тарих саҳифасига кирди. Мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб эълон қилганлиги ва элимизнинг қанчадан-қанча фарзандларини душвор ҳолатдан халос қилиб, уларнинг пок номини оқлаганлиги билан тарихимиз йилномасидан жой олди.

— «Пахта иши» баҳонасида Ўзбекистонга ташланган Т. Гдлян, бошқа десантчилар сизнинг ҳам бироз тинчингизни бузиб, дилингизни оғритишганлигини эшитган эдим....

— Мен ўшанда маълум маънода қатағон бошланишини билардим. Десантчилар баҳона топиб халқимиз асл фарзандларининг пайини қирқа бошлашди.

Ғўза баргларини «чилпиш мавсуми» ўтказилди. Аммо бу тадбирлар орасидаги фарқ шундаки, ғўза тупларининг ғовлаб кетаётган шоҳчалари қирқилса, одамлардан энг ақлли, халққа жонкуяр, меҳрибон, фидокорларининг боши қирқилди. Кимлар бу хилдаги «тадбир»га дучор бўлганлигини ҳозир айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. «Пахта иши» ёки «ўзбеклар иши» деб номланган мудҳиш ва жирканч жараён ҳаммага маълум. Лекин унинг асл сабабларини ҳамма тушуниб етармикин?

Аввало шуни айтмоқ керакки, гап фақат Шароф Рашидов шахси устида эмас эди. Уттиз еттинчи йилларда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев баҳонасида қанчадан-қанча кишилар, халқнинг асл фарзандлари маҳв қилинди. Уларнинг пешонасига ўша йилларда «халқ душмани» деган шўрли тамға босилди. Йигирманчи йилларда «босмачи» деган қора тамға ихтиро қилиниб, минг-минглаб маҳман деган одамлар қириб ташланган эди.

Ахир улар эл-юртимизнинг гуллари эдилар-ку! Бу янглиғ бағри бутун, ақли расо, мағрур кишилар уруғ бермай туриб, яксон қилиндилар. Ростини айтсам, ақлимни танибманки, бегуноҳ бўлган ота-боболаримиз, акаларимиз, ёр-биродарларимиз тўғрисида ўйлайман. Битта қисса бошлаб қўйган эдим. Энди давом эттирса бўлади.

Мен навбатдаги «чеканка» бошланаётганда Усмонхўжаев билан суҳбатлашдим. Бўлаётган биринчи қурбонлар тўғрисида гапирдим. Эсимда: ундан «Олти миллиондан ортиқ пахтани қайси кадрларимиз, ким билан берамиз», деб сўрадим. Пахта, ўзингизга маълумки, ҳар ишда бош мезон эди. Ҳамма нарса унга қараб ўлчанарди. Балким, шундай савол республика раҳбарларига таъсир қилар, деб ўйлагандим.

Калта ўйлаган эканман. Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари қўғирчоқ бўлиб қолган экан. Кези келганда шуни таъкидлашим керакки, энг оғир йилларда ҳам Рашидов кадрларни авайлаб-асраб қолишга, турли-туман усуллар топиб, уларни балолардан қутқаришга муваффақ бўларди.

Ўша имтиҳон кунларида республика раҳбарларидан яна бири Раъно Абдуллаева билан ҳам гаплашдим. «Ким бировга чуқур қазиса...» деганим ҳамон у киши «ўша чуқурга ўзи йиқилади» деб давом эттирдилар.

Худди шундай бўлди. Бир-биримизга чуқур қазиб, унга ўзимиз йиқилавердик...

Ҳа, худди шундай бўлди. XVI пленум ўтаётган 1984 йили 23 июнь куни танаффус вақтида Марказқўм менинг бошимга ҳам бало тошлари ёғила бошлади. Лигачев Тошкенддан Москвага қайтиб боргани ҳамон мени ишдан бўшатиш тўғрисида «Правда» редакциясига топшириқ берган эди...

— Энди мавзуни яна ўз ижодингизга бурсак. «Минг маржон» номли асарингизни ёзиб турганингизга кўп вақт бўлгани йўқ. Асар ҳозирча тўла ҳолда чоп этилмаган. Аммо айрим нашрларда асардан боблар ўқиганман. У худди қўшиқдек ўқилади. Баъзи шеърий чекинишларни назарда тутаётганим йўқ. Насрий матнларни айтаяпман. Содда, самимий. Асар равонлигидан ёзилиши қийин кечмаганлиги сезилиб турибди. Менимча, асар қоғозга тушишидан олдин обдон пишганга ўхшайди. Фақат ижтимоий-сиёсий топшириқлар, жамоат ишлари билан кўпроқ банд бўлиб, вақтида ёзишга қўлингиз тегмаган, шекилли. Ҳайратланарли жойи шуки, халқ оғзаки ижоди йўлидаги тугал сатрларни қандоқ ёдда сақлагансиз! Шоирлик қилиб, бир банд, икки банддан кейинини ўзингиз тўқигансиз десам, шеърий «ямоқ» сезилмайди. Яхшиси, бу ҳақда ўзингиз сўзлаб берсангиз!

— Азиз биродарим, биз, катта ёшдаги кишилар ўз болаларимиз ва ниларимизнинг, набиралари-мизнинг, келажак авлодимизнинг қайнаб ва қувнаб яшашини, меҳнат қилишини, ноз-неъматлар яратишини, жўшқинлик ила ҳаёт кечиришини чин юрақдан истаймиз. Сиз мен билан қайнаб-тошиб суҳбат қилаётган экансиз, жамиятга, ватандошларимизнинг тақдирига бефарқ ва лоқайд қарайдиганлардан эмаслигимизнинг далилидир.

Энди «Минг маржон»га келсак, у ҳақда озгина бўлсада гапириб ўтдим. Эсимни таниганимдан буён қалбимдан жой олган ушбу маржонлар ҳақида ухлаб, тушимда ҳам, уйғониб, ўнгимда ҳам ўйлайман. Фикри-зикрим улар ила банд. Иложи борича бугун йўқолган, ўз шодасидан узилиб қолган маржонларни кўпроқ топсаму, яна қаторига тизиб қўйсам, дейман. Бошқа ишлар, юмушларни пайсалга солишимнинг сабабларидан бири ҳам шудир. Ижод жараёни тўхтаб қолмасин — маржонларимнинг ипи узилмасин, деб қўрқаман.

Асар ҳали тугаган эмас, тугамаса ҳам керак. Чунки маржонлар сонсаноқсиздир. Худо менга берган умрдан фойдаланиб, ёзганимча ёзиб, тизганимча тизиб боравераман. Ўйлайманки, халқимизнинг не-не сабаблар ила узилиб қолган, кўпчилиги йўқолиб ҳам кетган дурдоналари, жавоҳирларини яна бир хазина шаклига келтириб йиғмоқ керак, яна бир улкан шодага нафис қилиб тизмоқ лозим.

«Минг маржон» кун оша, йил оша халқ урф-одатлари, эртак ва афсона, ривоят ва нақлларининг билағони муҳтарам бувим Мунаввар Сандхожа қизининг (у киши юз ёшдан ошганлиги ва доно бўлганликлари сабабли бўлса керак, теварак атрофдаги таниш-билишлар севиб ва ҳурмат қилиб, Нурмомо дердилар) болалик кунларимда айтиб берган нақллари асосида юзага келмоқда. Энди халқ ижодидан олинган парчалар қандай ёдда сақланганлиги масаласига келсак, шуни айтиш керакки, болаликда эшитилган эртаклар, қўшиқ, ўлан, лапарлар, ўзингиз биласиз, худди муҳрдек босилиб қолади. Агар ҳар қайсимиз ана шу меҳр ва сеҳр тўла мўъжизакор ва жилвакор халқ ижоди дарёсига бир томчидан улуш қўшсак, у Баҳри уммонга битмас туганмас хазинага айланади.

— «Минг маржонни ўқиган киши» муаллифнинг бир «оҳ»ни туйгандек бўлади. Билмадим, менга шундай туюлдими, келажак авлодга бир даъватингиз борга ўхшайди. Бу даъват назаримда, мунглироқ — кўзингизни очинг, ортингизда пок маънавият барбод бўляпти, уни асранг, авайланг, ўрганинг, дегандек. Умуман, бугунги ёшлар маънавияти ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдим.

— Гапни бугунги ёшлар маънавиятидан бошласак, улар биз каби қиш кунларида сандал атрофида ўтириб ёки дам олиб ётиб, момо, боболарнинг ширин-шакар эртакларини кам эшитадилар. Тўй-томошаларда қадимдан қолиб келаётган қўшиқ, ўлан ва ёр-ёрларни унча хуш кўрмайдилар! Келин салом мадҳиясини тингламай, камарбанд, саллабанд, гаворабандон ва шунга ўхшаш бошқа урф-одатларимизнинг қандай бажарилишини ўз кўзлари билан кўрмай ўсаяптилар. Улар фақат телевизор кўрадилар, кечалари тонг отганга қадар ухламай, кўз йиртиб Ғарбнинг аҳлоқсиз фильмларини томоша қиладилар. Бу ёқимсиз жараён ҳамон давом этмоқда.

Бундай шароитда қандай қилиб, қадимий маънавий мерос ва қадриятлар хусусида гап бўлиши мумкин. Ёш авлод диққат-этиборини қандай қилиб ота-боболар қолдирган қадриятларни англаш, ўрганиш, ўзлаштириш сари буриш мумкин? Шулар ҳақида ўйласам, юрагим ачишади.

Наслимиз маънавий қашшоқ бўлиб қолаётганига таассуфланаман. Ўсмирлар, эртанги кунда қўлимиздан жамиятни қабул қилиб олувчи авлод ишонган тоғларимиз. Улар баъзида ҳоҳиш: одамлар билан муомала қилишни билишмайди. Кўчакуйда кексаларга салом бериш ўрнига уларни масхара қиладилар. Лекин аслида ул бечораларнинг ўзлари масхара. Афсуски, бу ҳолни ўзлари билмайдилар. Қисқаси, ота-боболаримизда бўлган ноёб ва нозик хислат-фазилатларни ёшларимиз ўзларига юқтирсалар бўларди. Буни кўра-била туриб, «оҳ» тортмасдан иложимиз йўқ. Уларнинг бу ҳолга тушиб қолишига бизнинг ўзимиз, кекса авлод айбдор. Ёшларимизни ғафлатдан уйғотиб, уларни эзгу одатлар руҳида тарбиялашда, имон ва виждонга чорлашда ўз ёрдамимизни аямаслигимиз керак. Келажак авлодга қарата айтадиган тилагим шуки, улар бугун қўлга киритган мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асрасинлар. Уни ҳормай-толмай қўриқласинлар ва мустаҳкамласинлар. Билсинларким, эркинликдан озодликдан олий қимматбаҳо неъмат йўқдир. Халқимизда ажойиб бир мақол бор: Танинг соғ бўлсин, бошингда тегирмон тоши айлансин!

Бугун ана шу қадимий ҳикматни сал ўзгартириб, бундай деган бўлардим: эрку-ихтиёринг ўзингда бўлсин, елкангда тегирмон тоши айлансин! Бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади. Ёшларимиз унутмасинларки, занжирсиз қўл абжир, кишансиз оёқ илдам, қулфсиз тил бурро, эркин дил баландда парвоз бўлади. Агар мен ҳозир ёзаётганим «Минг маржон»да олға сурилган ғоялар, тўғрироғи, аждодларимиздан қолган урф-одатлар, удумлар таърифи ва тафсифи ёшлар қалбида маънавий қадриятларимизга ҳавас туғдирса, бу удумларни ўзлаштиришда кўмаклашса мен ўзимни бахтиёр хис этардим.

— Суҳбатингиз учун ташаккур! Ижодий ниятларингиз тезроқ амалга ошишида Сизга соғлиқ ва илҳом тилаймиз!

Суҳбатдош:
Дилмурод ЖАББОРОВ.

Йўлдош Муқимов Ғиждувон райони Районобод қишлоқ Шўросидаги Тошработча қишлоғида туғилган. 1958—1960 йилларда «Бухоро ҳақиқати»да муҳаррирлик қилган. 1960 йилдан то 1985 йилгача «Правда» газетасининг Ўзбекистондаги ўз мухбири вазифасида ишлади. Ҳозир эса ижод билан машғул. У халқимизнинг қадимий ривоятлари, афсоналари ва нақллари асосида «Минг маржон» деб аталган йирик асарни ёзишга киришган.

ИНСОФ, САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 18
1993 йил 24 февраль

"УЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

АНДИЖОН ШАМПУНИ

● Андижон ёғ комбинатида соч ювиш воситаси — шампунь ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозиргача 6 тонна ана шундай янги маҳсулот тайёрланди. У тез кунда савдо дўконларига чиқарилади.

Корхона жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Икки хил суюлтирилган совун ишлаб чиқариш устида қизғин иш олиб боряпти. Янги маҳсулотга «Анди-1», «Анди-2» деб ном берилди. Шу йилнинг охиригача 1000 тонна суюлтирилган совун ишлаб чиқариш мўлжалланяпти. Бу — аҳолининг кир совунга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,

• Тадбиркорлар бор бўлсин

АМАРАНТ—ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

Андижонда Калифорния чувалчангларини сотиб миллионер бўлганларни биламиз. Бекорга эмас, албатта. Чувалчангларнинг фойдали эканлиги исботланди. «Правда» газетасининг 1990 йил 14 май сонида В. Прокопьевнинг мақоласида ҳар томонлама барака келтирадиган амарант ўсимлиги афзалликлари ҳам атрофлича баён этилган. Жомбой районидаги Ҳўжам Низоматов (собиқ «Коммунизм») номли жамоа хўжалигида ана шу ўсимлик уруғини сотишга қарор қилинди. Уруғликни таклиф этаётган жамоа ишончни оқлармикин? Келинг, унинг фаолияти билан танишайлик.

Ўтган йилги натижалар ҳисоб қилинса, келгуси йил режаси учун асос солиш осон кечади. Дарвоқе, Ҳ. Низоматов номли жамоа хўжалигида шундай бўлди. Тажрибали агроном Аваз Эргашев раислик қилаётган хўжаликда жорий йил учун режа жамоа аъзоларининг олган мажбуриятларига қараб шаклланади. Ерни шартномавий усулда ижарага берила бошлангач, олинадиган ҳосил баракали, даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Хўжалик 1992 йилда ун, ғалла, пахта ёғи билан ўзини ўзи таъминлади. Аҳолига ишлаб чиқариш нархларида 150 тонна ун, 397 тонна сомон, 81 тонна силос, 120 тонна беда пичани, 1173 тонна майса озуқа тарқатилди. Давлатга маҳсулот сотиш режалари — ғалла 131, сабзавот — 135,3, полиз 187,6, мева 172,7, сут 109,3, тухум 117,5, жун 100 ва пилла 117,9 фоиз қилиб бажарилди.

Ерга ҳақиқий эгалик ҳуқуқи берилгач, қандай маҳсулот етиштириш ҳам деҳқоннинг ўзига ҳавола. Ўтган йили 250 гектар ерга ғалла экилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 507 гектарни ташкил қилиши мўлжалланаяпти. Жамоа аъзолари бу йил анъанавий экинлардан ташқари тамаки, Америкадан олинган ёғ берувчи сафлёр деган ўсимликни ҳам экадилар. Албатта, келаси йил ҳам экиш-экмаслик улардан олинадиган ҳосилга қараб белгиланади. Жомбойда одатга кирган йиллик ҳисоботлар олдидан хўжалик аҳлининг йил якуни билан танишар эканмиз, натижалардан қониқдик. Ҳар нарсани баҳона қилмай имконият топаётганлар ҳам, ўз турмуш тарзини яхшилашга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганлар ҳам, қийинчиликларни ҳалол меҳнатлари билан енгаётганлар ҳам шулар.

Аваз ака сочларига оқ оралаган, эллик ёшлар атрофидаги, аммо камтарона кўринишидан хўжайинларга ўхшамайдиган киши экан. У хўжаликдаги эришилган ютуқларни санаб ўтирмади. Мулоқотимизнинг бош мавзуси бугунги турмуш қийинчиликларидан чиқишда қилиниши зарур бўлган юмушлар, ижтимоий аҳволни яхшилаш муаммолари бўлди.

— Бугун оғизда ҳеч нарсага эришиб бўлмайди — дейди Аваз ака. — Иқтисод ҳақиқатан ҳам оғир аҳволда, пулнинг қадрсизланиши, хом ашёгагина мосланиб қолганимиз, устига усток кадрлар масаласи... Жамоамиз давлатга топшираётган маҳсулотлар қанчалик кўп бўлмасин, уни сифатли ҳолда сақлаш, истеъмолчиларга вақтида етказиб бериш кафолатланмаган. Сабзавот, полиз маҳсулотлари нобудгарчилиги, афсуски мавжуд. Шунинг учун тезлик билан қайта ишлаш корхоналарини қишлоқларда бунёд этиш керак. Меваларни консервалаш, қолаверса, пахтани ҳам қайта ишлаб тайёр маҳсулот қилиб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Бу бир томондан ишсизлик деб аталган муаммо ечимини таъминлайди. Даромад ўн чандон ошади. Хўжалигимиз ҳудудида ҳам мевани қуритиш, сутни қайта ишлаш бўйича корхоналар бунёд этиш ҳаракатидамиз.

Бунинг тагида гап бор. Эътибор беринг-а, илгари биз давлатга сотдик, режани бажардик — вазифамиз адо этилди, деб ҳисоблардик. Энди эса манфаатдорлик йўлларини ўрганаяпмиз.

Хўжалик маъмурияти билан жамоа аъзолари ўртасида ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Ҳайрон бўлганимиз ижарачи ўз имкониятидан келиб чиқиб мажбурият олади. Бу жамоа фаоллари ўртасида муҳокама қилинади. Чунончи, агар турмушда қийинчилик сезилса, ҳеч тортинмай раҳбарларга мурожаат қилишади. Тўй ва маъракаларда баҳоли қудрат зарур маҳсулот билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилган. Жамоанинг барча аъзолари билан келишилгач, вилоят агросаноат бирлашмаси билан ҳамкорликда энг маҳсулдор сигирларни алоҳида парвариш қилиш йўлга қўйилди. Ажратиб боқилаётган 60 бош сигирнинг сут беришида сезиларли ўсиш бор.

Ҳақиқатан ҳам хўжаликда қарийб барча маҳсулотлар ишлаб чиқариш мўлжалдагидан оширилди. Бу натижалар ортида бободеҳқоннинг фидокорона, ҳалол меҳнати бор, албатта.

Айтганча, амарант деб аталадиган ўсимлик ҳақида эшитганмисиз? Доривор гиёҳ. Унинг тез ўсувчанлиги, гектаридан эса 60 центнер дон ва 200 центнер кўк поя олиш мумкинлигини эътиборга олиб... Хуллас, эҳтиёж сезсангиз, жамоа хўжалигига, **5-23-80 телефон рақамлари орқали сим қоқинг.**

Ҳусан ТОХИРОВ.



• Тажриба оммалашса арзийди

ДИЛДА ИШТИЁҚ БЎЛСА

Саҳобиддин Шарипов Жомбой районидаги Сарчашма қишлоғида 1948 йилда таваллуд топган. 1983 йилдан район автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи.

Бошқармада 83 киши ишлайди, 222 километр узунликдаги йўллар назорати улар зиммасида. Ўтган йили 2 миллион сўмлик иш қилиниши мўлжалланган эди, бажарилган юмушлар эса 9300 минг сўмликни ташкил этди.

— Саҳобиддин ака, аввало ана шу ютуқларингиз боиси нимада?

— Жумҳуриятимиз мустақиллик сари қадам қўйгач, кўпгина соҳалар каби биз йўлсозларнинг иш тизимимизга ҳам анча-мунча ўзгаришлар киритилди. Илгари «ДРСУ» деб аталиб, юқори ташкилот қарамоғида бўлган жамоамиз мустақил ташкилот-Жомбой автомобиль йўллари бошқармасига айланди. Энг асосий ютуғимиз — меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, чунки аввалгидек қилинган ишнинг ҳисоб-китобини бировлар эмас, ўзимиз олиб бориш имкониятига эга бўлдик.

— Инсон омили иқтисодий рағбатлар билан чамбарчас боғлиқ демоқчисиз-да...

— Тўғри, йўл қурилишидагилар собиқ Иттифоқ даврида назарга тушмайдиган, фақат кимлардандир дакки эшитиб, иши юришмай куни ўтадиган соҳа кишилари ҳисобланар эдилар. Шароит, имконият бўлмаса-да «ҳисоб-китоб» эсдан чиқмас эди. Мустақил жумҳуриятимизда автомобиль йўллари ҳақида қонун қабул қилинди. Бу бизнинг касбдаги юртдошларимиз учун кенг имкониятлар яратган биринчи қонундир. Қонундаги бурч ва ҳуқуқлардан самарали фойдаланиб, унга амал қилинса, йўлсозлар ишида кескин ижобий бурилишлар ясалишига ишонаман.

— Ҳозирги фаолиятларингизда хусусий буюртмаларни бажариш ҳам борми?

— Бошқа ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, шахсий автобекатлар бунёд этилишида бевосита хизматимиз бор.

— Шахсий автобекатлар дейсизми!

— Дарвоқе, район ҳокимлиги ташаббуси билан автомобиль йўллари четида йўловчилар учун қулайлик туғдириш учун шахсий бекатлар қуриш йўлга қўйилган. Бекат қурилишини маблағ билан таъминлаган шахслар бу ерда хусусий савдо нуқталари очиш ҳуқуқига эга бўладилар.

— Ҳозирги нарх-наво ҳақидаги фикрларингиз!

— Йўлдан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ нархларга тенглаша олмаяпти. Ўтган йилги режа 400 фоиздан ошириб бажарилди. Аммо 12 ой ҳисобида маош ўртача 3 минг сўмдан ошмади. Янги йилдан бошлаб энди 5—6 минг сўмга етказдик. 1992 йил якуни бўйича 200 минг сўм мукофот пули, 50 килограммдан картошка ёрдам сифатида тарқатилди. Жомбой шаҳрида қурила бошланган масжид, Самарқандни тиклаш, «Наврўз» жамғармаларига моддий ёрдам кўрсатдик. 20 км. узунликдаги пиёдалар йўлакчаси, 6 та автобус бекати фойдаланишга топширилди. Нарх-наво ошиши билан ишларни тобора жадаллаштириш пайида бўляпмиз. Кўл қовуштириб ўтираверсак бўлмайди. «Ҳаракатда—баракат» дейдилар, ахир! Одамларимизнинг ишдан ҳафсалалари йўқолмаслиги керак. Қийинчиликлар кўп, бардер тўсиқларини Тошкентдан олиб келаяпмиз. Қора мум зарур, уни Уфадан сотиб оламиз. Илгари ҳар тоннасига 30 сўмдан пул тўланарди, янги йилдан 40 минг сўмга чиқди. Бу ҳам ашёсиз ишимиз тўхтаб қолади. Агар жумҳуриятимизда қора сақич сотадиган ташкилот, корхона бўлса биз ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Хўжаликда ишлар чакки эмас, ҳар ҳолда мустақил ташкилот экан, ўз техникавий имкониятларини яхшилаш, бу борада ҳам ҳеч кимга тобе бўлмаслик учун даромаднинг катта қисмини йўл тузатиш машиналари сотиб олишга сарфлашаяпти. Айтганча, кунлик иш бажарилгач, жамоадагиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароитлар яратилган. Тушлик овқат пули берилади, кечқурунлари бадиий ҳаваскорлик гуруҳининг чиқишлари, спорт бўйича мусобақалар ўтказиб турилади.

— Сизларнинг ишингиз дарров кўзга ташланади. Жомбойнинг бундан бир икки йил илгариги қиёфаси тубдан ўзгарибди...

— Дастлаб шаҳримизнинг ички йўлларини икки ёқлама пиёдалар йўлакчалари билан бирга кенгайтириб чиқдик. Айтганингиздек, ажиб бир қиёфага эга бўлди. Энди хўжаликлар марказларини ҳам ана шундай қилаяпмиз. Икки тарафлама йўл ўртасида гуллар экилиб, ёритгичлар ўрнатиб борилади. Жорий йилда 30 миллион сўмлик тузатиш, қуриш ва сақлаш ишларини бажаришимиз керак. Ҳокимлик билан бевосита ҳамкорлигимиз, мавжуд имкониятларимиз режани бажаришимизни кафолатлайди. Биласизми, албатта моддий манфаатдорлик асосий сабаблардан бири. Аммо қилаётган ишларимиз ўзимизнинг ҳам руҳимизни кўтараяпти, қолаверса, шу йўлларнинг халқимизга хизмат қилиши. Бу ҳам бизлар учун бир шараф.

Ҳадемай бу кунлар ҳам ортда қолади. Ана шундай дамларда ҳам фидокорлик, юртига, элига чин фарзандлик ҳуқуқини ҳис этиб, бурчига содиқ қолаётганлар бор экан, халқнинг юки ерда қолмайди.

Ҳ. ЭРМАТОВ.

— Абдуғаффор Аҳмадалневич, Андижонда сизни савобли ишларга мойил одам деб таърифлашаркан. Бунинг боиси нима?

— Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Бўлса бордир. Лекин сал ошириб юборишибди. Корхонамиз қаддини ростлаб бораяпти. Топиш-тутишимиз ёмон эмас. Аввалари зарар кўриб ишлаган бирлашма энди фойда кўриб турибди.

Ўз топганингни ўзинг еяверсанг, бу ҳам инсофдан эмас. Ахир айтадилар-ку, «Тенг еганни Тангри суюпти», деб. Биз шунга амал қиляпмиз. Хайрли тадбирларга корхона топган фойдадан расамади билан маблағ ажратиб турибмиз. Жумладан, биз матбуотни жуда қадрлаймиз. Газеталарнинг ҳаражатлари ортиб кетиб, бизга маънавий озиқ берадиган оммавий-ахборот воситаларининг баъзилари кунда чиқмай қўйди. Шуларни ҳисобга олиб, корхона маъмурияти вилоят «Андижоннома» газетасига 600 минг сўм маблағ ўтказди. «Андижанская правда» газетасига ҳам пул ажратдик.

Бугина эмас, вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги учун ўзига хос ҳисса қўшиб келаётган жамоамиз аъзоларининг хайрли ишларидан яна баъзи бирларини айтиб ўтиш мумкин. Мирзо Бобур жамғармасига 15 миллион сўм маблағ ўтказилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг маҳаллалар ишига мадад бериш ҳақидаги фармонини мамлакатимиздаги барча кишилар сингари Андижон тўқимачилари ҳам мамнуният билан кутиб олдилар. Шу мамнунлигимиз ифодаси сифатида бирлашма «Маҳалла» хайрия жамғармасига 1 миллион сўм маблағ йўллади. Дарвоқе, шаҳримиз кўчаларининг номи ўз адибларимиз, алломаларимиз номи билан юритила бошлагани ҳам кўнглимизни кўтармоқда. Бирлашмага Мирзо Бобур номи берилди. Корхонамиз жойлашган шоҳ кўча ҳам Бобур номи билан юритилмоқда. Шу кўчани ободонлаштириш ишларига 32 миллион сўм маблағ йўлладик.

Корхонамиз тиббиёт-санитария қисмида катта воқеа юз бериш арафасида. Таниқли олим, ажойиб ташкилотчи Сайфиддин Турсуновнинг хатти-ҳаракати ва бирлашма маъмуриятининг моддий мадади натижасида Андижонда Фарғона водийсида биринчи бўлиб кардиология маркази очилди. Марказ Германия, Япония, Швеция, Туркиядан келтирилган тиббиётга оид ноёб аппаратлар билан жиҳозланди. Март ойида корхона тиббиёт марказида юракни операция қиладиган биринчи муолижа тадбири ўтказилмоқчи. Унга Киев юрак қон-томирлари хирургияси илмий тадқиқот институтидан академик Г. Книшев, Москвадан академик А. Покровский етакчилигидаги тиббиёт ходимлари бригадалари ташрифи кутилмоқда.

Бирлашма ишчи-хизматчилари ва мутахассисларининг бир қисми спорт, бадиий ҳаваскорлик ишларида фаол қатнашишмоқда. Шунга кўра, корхона вилоятдаги «Наврўз» футбол командасини оталиққа олди. Стадионни таъмирлаш ишларига маблағ ажратди. «Сумалак» ва «Ўзбекистон» халқ дасталарининг довруғи ортиб бораётгани бизни ҳам қувонтиради. Яқинда «Сумалак» дастаси ижодкорлари АҚШга бориб, катта довруғ таратиб келди. Бу дасталарнинг эҳтиёжларидан хабардор бўлиб туришни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. «Андижанка» хоккейчи қизлар командасининг устози Мирон Ким команда ҳаражатлари ҳақида масала қўйса, бирлашма маъмурияти уларни маблағ билан вақтида таъминлаб турибди.

• Бозор иқтисодиёти билан юзма-юз

ТАШМАЧИЛИК ОЛДИ ОЛИНДИ

Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Абдуғаффор АҲМАДАЛИЕВ билан мулоқот

— Шунча ташкилотлар оталиққа олинганн яхши. Бунга маблағни қаердан топяпсиз? Ахир уч-тўрт йил аввал корхона қарзга ботиб ётганди-ку?

— Дарҳақиқат, корхонамиз уч-тўрт йил аввал давлатдан 550 миллион сўм атрофида қарздор эди. Шундай корхонага директор бўлиб келаётганимда зиммамга ниҳоятда катта масъулият юклатилганлигини сезган эдим. Сабаби, бу ерда анчагина директорлар ишлаб кетишди. Шунга қарамай, асосий муаммолар ҳал этилмай қолаверди.

Албатта, «Булар қандай муаммолар эди», деб сўрашингиз тайин. Шунинг учун улардан баъзи-бирларини қисқача айтиб ўтишга тўғри келади. Биринчидан, ишлаб чиқаришдаги дастгоҳлар эскириб бўлганди. Меҳнат интизоми бўшашиб кетганди, ташмачилик авжга чиққанини кўриб-кўрмасликка олганлар ҳам бўлган. Иш ҳақи озлигича қолаверган. Қуруқ бўлмаслиги учун бир рақамни келтириб ўтаман. Бир йилда 4—4,5 миллион метр чамаси газлама ўғирлаб кетилар экан. Бунинг устига ишчи-хизматчиларга яратилган шароит ҳам кўнгилдагидек эмасди.

● Қисман хабардор бўлса-да...
● Яна қарз кўтарилди. Лекин буниси бошқача
● Корхона милиция ходимини ишга олди
● Бир жойдан ҳамма нарсани кафт дагидек кўриш мумкин
● Тенг еганни тангри суюпти.

Юқоридаги нуқсонлардан қисман хабардор бўлсамда, уларни бартараф этиш осон эмаслигини сезиб турардим. Аммо бирлашмага томошабин сифатида эмас, балки раҳбар бўлиб келганлигимни чуқур англаб иш тутдим. Талабчанликни оширдим. Ишлаб чиқариш жараёнлари босқичма-босқич такомиллаштириб борилди. Ўғирликка келганда, икки оёқни бир этикка тиқиб, қатъий курашишга тўғри келди. Албатта, бунга маблағ талаб қилинишини ҳам билардим. Боя таъкидланган қарз устига банкдан яна қарз олдик. Лекин бу қарзнинг моҳияти бошқача эди. Шу маблағларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни бир маромда йўлга қўйиш мақсадларига сарфланди. Маҳсулот сифатини ошириш юзасидан ошиғич чоралар кўрилди.

Шу ва бошқа ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли уч йилдаёқ бирлашма ишлаб чиқаришида жиддий бурилиш юз берди. Қолоқлар сафига тушаёзган, инқироз арафасида турган корхона ўзини ўнглаб ола бошлади. Шу муддат мобайнида олинган қарз ўрни қопланди. Кўпчилик хабардор. Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати кўзга ташланиб қолди. Буни харидорлар кўпайганидан, ҳатто хорижий мамлакатлардан ҳам буюртмалар кела бошлаганидан билиш мумкин.

Корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий жиҳатдан кафолатлаш муҳити вужудга келгани, анчагина маблағни оталиқ ташкилотларга ва маданий-маиший ишларга ажратишга муваффақ бўлаётганимизнинг сири бор, албатта. Бу сир шундан иборатки, корхонадаги ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишга жиддий эътибор берила бошланди. Дастгоҳ ҳамда ускуналарни янгилашга бўлган муносабатимизни қайта кўриб чиқдик. Ҳозир кўп дастгоҳ ва ускуналар сотиб олинди, уларнинг асосий қисми замонавий ва хорижий технология воситалари эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Корхонада иш шароити яхшиланиб борган сари бу ерда меҳнат қилаётганларнинг ўз малакасини ошириши ва юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга интилиши ҳам кучайди.

— Сир бўлмаса, айтинг-чи, корхонада анча вақт давом этиб келган ўғирликнинг олдини олишда қандай чоралар қўлланди?

— Ҳа, бу масала кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий. Нари ўйлаб, бери ўйлаб ташмачилик олдини олиш чораларини ишлаб чиқдик. Билмадим, бошқаларга қандай туюлади-ю, жиддий қадам қўйишимизга тўғри келди. Ташмачиликка барҳам бериш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари билан шартнома туздик. Улар бирлашмага 170 нафар милиция ходими ажратишга рози бўлишди. Тўғри, бу ишлар оз-моз сарф-харажат ҳам талаб қилди. Лекин тартиб-интизомни мустаҳкамлашда сарфланган харажатга ачинмаймиз. Чунки у ўзини қоплабгина қолмасдан, ҳатто сарф-харажатни бир неча баробар ортиғи билан оқлайди ҳам. Бунга биз қисқа фурсатлик тажрибамизда амин бўлдик.

Тан олиш керак, корхонада ташмачилик, ўғрилик кескин қисқариб кетди. Лекин бу соҳадаги чалғитувчиларга ҳамон сергак бўлиб турибмиз.

Очиғини айтганда ишлаб чиқаришдаги нуқсонларнинг олдини олиш кўп маблағларни ишчи-хизматчилар манфаатига хизмат қилдириш имкониятларини яратиб бермоқда. Бизда тушлик овқатлар бепул. Ишчиларни маҳаллаларга, яшаш жойларига элтиб қўйдиган машиналар бўларди. Табиийки, уларни биз бошқа корхоналардан олардик. Албатта, улар транспорт учун катта харажат талаб қилишарди. Шу харажатларни қисқартириш эвазига ва корхона кўраётган фойдадан бирлашма ўзи учун 40 та «ЛАЗ» ва 5 та «Икарус» автобуслар сотиб олди. Энди ўзимизнинг юк машиналаримиз ҳам бор.

Дарвоқе, ишлаб чиқаришнинг аниқ маромини кузатиб турадиган компьютерлардан фойдаланганлигимиз катта афзалликлар келтирмоқда. Янглишмасам, буни ишлаб чиқаришни бошқаришдаги дадил қадам десак арзийди. Компьютерлаштириш бир жойдан туриб бутун бошли бирлашма участкаларининг ҳамма жойини зийрак кўз билан назорат қилиш имконини бермоқда. Бу ва бошқа тадбирлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, ускуналарнинг бекор туриши олди олинмоқда.

— Бирлашма ўтган йилдан фойда кўриб ишлай бошлагани, ҳатто 1 миллиард сўм соф даромад билан чиққани ростми?

— Энди бемалол айтиш мумкин. Ўтган йили бирлашма бўйича 1 миллиард сўмга яқин фойда олинди. «Энди» деганимнинг сабаби шуки, бундай фойдани илгари тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Қисқаси, корхона иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ўзини тиклаб боряпти. Лекин ҳали бу — биз учун чегара эмас. Бозор иқтисодиёти шароитларини ҳисобга олиб, юқори сифатли, яъни харидор ҳуш кўрадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтира боришимиз зарур. Бизнинг асосий йўлимиз ана шу.

Ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи ошиб бораётгани, яхши меҳнат қилаётганларни рағбатлантириш кенгаяётгани ана шуларни кўрсатади. Бундан ташқари, уйжойга муҳтож кишиларнинг эҳтиёжларини қондиришга баҳоли қудрат маблағ ажрата бошладик. Шахсий уй қураётган ишчи-хизматчиларнинг ҳар бирига 50 минг сўмга қадар ёрдам пули бериш йўлга қўйилди.

— Раҳмат. Эл-юрт ғамини еган кам бўлмайди. Жамоангиз ишига ривож тилаймиз.

Суҳбатдош

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• Луқмони ҳакимдан

КИЙИК

Чанқоқ кийик сув бўйига келиб, унда ўз аксини кўрди. У шохларининг баҳайбат ва бақувватлигидан хурсанд бўлди, оёқларининг ингичкалигидан эса ранжий бошлади. Шу пайт орқасидан келаётган овчиларни кўриб қолди ва қочишга тушди. Овчилар қанча уринишмасин уни соҳил бўйида тута олмадилар. Лекин ноумид ҳам бўлмадилар. Тоғ ёнбағрида қочиб бораётган кийикнинг шохи кутилмаганда икки дарахт ўртасига сиқилиб қолди ва овчилар уни тутиб олдилар. Шунда кийик: «Менга ёмон кўринган (оёқларим) халос этса-ю, мени қувонтирган (шохларим) туфайли ҳалок бўлсам», деб афсус ва надомат чекди.

МАЪНОСИ: кўринишига қараб эмас, ишига қараб баҳо бер.

ЧИВИН ВА НОВВОС

Чивин новвос шохига қўниб, унга: «Оғирлик қилаётган бўлсам, ишора қил, учиб кетай», деди.

Новвос: «Кимсан ўзинг? Кимнинг устига қўндинг ва кимга оғирлик қилдинг, билолмадим».

МАЪНОСИ: кимки ўзини ҳаддан зиёд ҳурматлаб ва улуғ фаҳмласа, билки, у энг пасткаш ва заифдир.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

Қаҳвахонада нонушта қилаётган хўранда стакандаги ичимликдан бир хўплади-да, официантни чақирди:

— Айтингчи, бу чойми, қаҳвами?

— Нима, мазасидан билолмайсизми?

— Билолмайман, — деди хўранда жаҳли чиқиб.

— Билолмасангиз, унда сиз учун нима фарқи бор, бу чойми, қаҳвами?

* * *

Қаҳвани қошиқсиз олиб келган официантга хўранда шама қилди:

— Бармоғим билан аралаштирай десам, қаҳвангиз жуда қайноқ экан.

Бироз фурсат ўтиб, официант бошқа идишда қаҳва келтириб қўйди.

— Мана буни кўрингчи, бу бармоғингизни куйдирмаса керак.

* * *

— Хоним, бу нима дегани, — сўради хўранда официантдан косе тубидаги пашшани кўрсатиб.

— Билмасам. Мен фолбин эмас, официантканман.

* * *

— Официантка, мана бу пирог олмалими ёки шафтоли солинганми? Таъмидан худди клейга ўхшайди.

— Ундай бўлса, шафтоли солингани. Олмали пирогимизда эса картон таъми бўлади.

* * *

— Семиз бир аёл ресторанда овқатланиб бўлиб, ширинакка бирон нарса буюрмоқчи бўлди. Ўйлаб туриб, официантга шундай деди:

— Менга бир стакан узум, помидор, олма шарбати аралашмаси ва луқма муз қаймоқ, унга шоколад, ёнғоқ мағизи ва қаймоқ қўшилсин албатта.

— Хўп бўлади бегойим. Муз қаймоқ устига озгина олича мураббоси ҳам...

— Нима, ризқимни ичимга йиғибманми?! Мен озиш парҳезидаман.

* * *

Шундай қилиб, қизим сизнинг қайлиғингиз бўлишга розилик берибди. Хўш, тўй кунини белгиладингизми, куёв бола?

— Мен бу ҳуқуқни бўлажак хотинимга бердим.

— Никоҳ қаерда ўқитилади: мачитдами, уйдами?

— Буни қайнонам бўлмиш онамиз ҳал этсинлар.

— Сизлар оила қуриб нимага яшайсизлар?

— О, бу нозик масалада мен инон-ихтиёримни сизга топшираман, отам!

«Узстройснаб» ишлаб чиқариш тижорат-воситачилик фирмасининг бинокорлик материаллари билан бутлаш хўжалик ҳисобидаги бошқармаси (ХРУКСМ) ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700060, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 19, «Узстройснаб» фирмаси.

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари.
ҲОМИЙЛАР: Шароф Рашидов фонди, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва автомобилсозлик концерни, Ўзбекистон Республикаси миллий банки, «Туркистон» биржаси.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Телефонларимиз: 33-76-04, 32-53-15, 33-38-53, 32-57-19.
Индекс 75487.

Темур тузуқлари

Тўхтамишхон билан бўлган жангда ғаним лашкари кўплигидан ва менинг лашкарим эса озлиги, очлигидан кўп азият тортган эдим. Шу пайт соҳиби дуо бўлмиш Мир Зиёвуддин Сабзаворий бошидан салласини олди, қўлларини дуога очиб [мен учун] Тангридан зафар тилади. Ҳали дуоси тугамай туриб дуо таъсири кўриниб, [лашкарларим ёғийни қочирдилар]. Яна бир мисол шулки, саройим ҳарамидагилардан бири қаттиқ оғриб, ўлими яқинлашди. Дуогўй саййидлардан ўн икки киши йиғилишиб келдилар. Ҳар бири ўз умридан бир йилни унга бағишлади ва у соғайиб яна ўн икки йил яшади.

Тўртинчи тоифа — амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим. Улар билан суҳбатлашиб, маслаҳатлар олдим. Жанг майдонларида мардона қиличлашган шижоат аҳлини дўст тутардим. Жанг майдонларига от чоптириб кириб-чиқиш усулларини, ғаним лашкари тўпини бузиб, сафларини синдиришни, найза санчиб, қилич чопқилашни, бутун уруш-талаш ишларини улардан сўрар эдим. Сипоҳгарлик ишларида уларга таяниб, улардан кенгаш тилар эдим.

Бешинчи тоифа — сипоҳ ва раият бўлиб, ҳар иккисига бир кўз билан қарадим. Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, довюракларга махсус фахри ўтоға[1], камар ва таркаш[2] тақдим этиб, мартабаларини кўтардим. Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ-оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим. Сипоҳийларимни ҳамиша жангга тайёр ҳолда тутдим, ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида берардим. Чунончи, Рум юришида сипоҳийларимга ўтган ва келажакда қиладиган хизматлари учун етти йиллик озуқаларини бирданига бердим. Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисидан устунлик қилиб, қаттиқ гапиролмас эди. Бошқа сипоҳийларни ўз мартабаларига ва даражаларига қараб шундай сақладимки, ҳаддидан ташқари бирон қадам қўёлмас эди. Уларнинг мартабаларини на кўп кўтариб, ҳовлиқтирмадим ва на кўп тушуриб юбориб, кўнгилларини чўктирмадим. Қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича ҳурматладим. Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўруб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига чиқарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада кўтарар эдим.

Олтинчи тоифа — ақлли, тажрибали, энг ишончли кишиларки, салтанат ишларини, сирларини уларга очиб, [улар билан] кенгаш қилишимга лойиқ кишилар эди. Булар билан сирдошлик қилиб, яширин ишлар, махфий сирларни шуларга топширдим.

Еттинчи тоифа — вазирлар, бош котиблар, девон муншийларики[1], салтанатим саройини шулар билан безатдим. Буларни менга тобеъ мамлакатлар [ўлари]нинг кўзгуси деб билдим. Чунки улар эл орасида ва мамлакатда бўлаётган кундалик воқеаларни, сипоҳ ва раият туриш-турмушини менга билдириб турар эдилар. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солиб юритдилар. Салтанат мулкига тушган раҳналарни бекитишнинг лойиқ чораю тадбирларини кўрдилар. Салтанатим корхонаси хазинасининг кирим ва чиқимига оид ишларни тўғри олиб бордилар. Ҳамиша мамлакат тўкинлиги ва ободлиги учун ҳаракат қилишарди.

Саккизинчи тоифа — ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларки, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Ҳакимлар ва табиблар билан иттифоқда беморларни даволатар эдим. Мунажжимлардан сайёралар (кавокиб)нинг қутлуғ ва қутсиз[2] кунлари, уларнинг ҳаракати ва осмонда айланишини аниқлаб олардим. Муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиҳа-тарҳини чиздирдим.

[1] Ўтоға — бош кийимига тақиладиган, укпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги.

[2] Таркаш — садоқ-ўқдон.

61.

[1] Мунший — мирза, котиб.

[2] Классик астрономия бўйича бир ой ичидаги кунлар, яхши ва ёмон кунлар (саъд ва наҳс)га бўлинган.

62.

«Ўзбекистон-Ватаним менинг» конкурсига

Кенг майдон. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, билим юртида таълим олган ҳарбий хизматчилар, ота-оналар тўпланишган. Уларнинг қўлларида гулдасталар. Ёқимли куй садолари дилларга алоҳида ҳузур бахш этади. Ҳамма ҳаяжонда.

Майдон узра республикамизнинг давлат рамзи бўлган байроқ ҳилпирамоқда. У ўзбекнинг оқ кўнгиллиги, оппоқ пахтаси, ўлкамизнинг беғубор мовий осмонию она табиатимизнинг яшиллигини эслатиб турибди. Ана шу байроқ остида курсантлар—миллий армиямиз қалдирғочлари ҳарбий қасамни қабул қилишди. Бу кун уларнинг қалбида бир умр сақланиб қолади. Чунки улар шу куни биринчилардан бўлиб мустақил Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишга, унинг Президентига содиқ бўлишга тантанали қасамёд қилдилар.

Давр ўзгарди. Одамлар ҳам. Республикамиз мустақилликка эришди, — дейларда, ўрта махсус ўқув юртларида бўлиб, билим юртининг тарихи, унинг анъаналари ҳақида суҳбатлар ўтказишди. Бу ишлар, албатта ўз самарасини берди. Бугунги кунда билим юртимизда ўқиётганларнинг кўпчилиги туб аҳоли фарзандларидан иборат.

Биринчи курс курсантлар батальони командири полковник Ботир Салоҳиддинович Раҳиммирзаевни машқ майдонида курсантлар билан машғулот пайтида учратдик.

— Республикамиз мустақиллиги эълон қилингач, шу билим юртига ишга келдим, — дейди у. — Энг қувончлиси, ўтган йили билим юрти тарихида биринчи марта асосан ўзбек миллатига мансуб ёшлар ўқишга қабул қилинди. Бу истиқлолимиз шарофати, мустақиллигимиз неъмати.

Ўзим шу ерда ўқиганман. Байналмилалчилик бу даргоҳда азалий анъана. Ҳозирги кунда ҳам бу анъана давом этмоқда. Курсантлар орасида турли миллат вакиллари бор. Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистондан келган ёшлар шартнома асосида қабул қилинган. Ўз навбатида Россиядаги учувчилик ҳарбий билим юртларида, Туркиядаги ҳарбий лицейларда бизнинг фарзандларимиз ҳам ўқишяпти.

Кези келганда шуни очиқ айтиш керакки, билим юртига шунчаки ҳавас учун кириб қолган ёшлар ҳам учрамоқда. Улар ўрта мактабда пухта билим олмаганликлари, жисмонан чиниқмаганликлари туфайли бу ерда ўқишни давом эттиришга қурбилари етмасдан билим юртини тарк этишяпти. Айниқса, қишлоқ мактабларини битирган ёшлар бу ердаги шароитга кўника олмаяптилар. Улар орасида Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятидан келган ёшлар кўпчиликни

МИЛЛИЙ АРМИЯ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

• РЕПОРТАЖ

ди Тошкент олий умумқўшин командирлар билим юрти сиёсий бўлими бошлиғи генерал-майор Владимир Носирович Маҳмудов. — Ўзбекистон ўз миллий армиясини ташкил этмоқда. Собиқ Иттифоқ даврида Қуролли Кучлар пиёда аскарлар қўшинларига офицер-кадрлар етказиб берган билим юртимиз тарихи собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистон тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ватан уруши йилларида бу билим ўчоғини саккиз мингга яқин офицер битириб чиқди. Улар ўша суронли йилларда зўр мардлик ва жасорат кўрсатиб, Ватан урушининг йилномасида ўчмас саҳифалар яратдилар. Бир сўз билан айтганда, бу қутлуғ даргоҳ ҳавас қилса арзигулик катта ҳаёт йўлини босиб ўтган.

Бу йил мактабимизга асосан маҳаллий миллат вакилларини қабул қилдик. Қўмондонлигимиз билим юртига ёшларни тортиш мақсадида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб боришди. Бу ишда шу ерда таълим олган ҳарбий хизматчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Улар мактаб-латига мансуб ёшлар ўқишга қабул қилинди. Бу истиқлолимиз шарофати, мустақиллигимиз неъмати.

Ўзим шу ерда ўқиганман. Байналмилалчилик бу даргоҳда азалий анъана. Ҳозирги кунда ҳам бу анъана давом этмоқда. Курсантлар орасида турли миллат вакиллари бор. Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистондан келган ёшлар шартнома асосида қабул қилинган. Ўз навбатида Россиядаги учувчилик ҳарбий билим юртларида, Туркиядаги ҳарбий лицейларда бизнинг фарзандларимиз ҳам ўқишяпти.

Кези келганда шуни очиқ айтиш керакки, билим юртига шунчаки ҳавас учун кириб қолган ёшлар ҳам учрамоқда. Улар ўрта мактабда пухта билим олмаганликлари, жисмонан чиниқмаганликлари туфайли бу ерда ўқишни давом эттиришга қурбилари етмасдан билим юртини тарк этишяпти. Айниқса, қишлоқ мактабларини битирган ёшлар бу ердаги шароитга кўника олмаяптилар. Улар орасида Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятидан келган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Мана, ўқув йилининг ярми ўтди. Олий математикадан 35 фоиз, жисмоний тайёргарликдан 40 фоизга яқин йигитлар қониқарли баҳо ололмадилар, дарслар рус тилида ўтиляпти. Кейинроқ ўзбек тилида ўтилади. Ана шу даврда юзага келадиган қийинчиликларнинг олдини олиш мақсадида ўзбек тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тўрт йилдан сўнг бу ёшлар лейтенант унвонига эга бўлишади. Улар ҳам биз каби ўз халқи, ўз Ватанига хизмат қилишади. Ҳарбий қисмларда взвод командири бўлиб хизмат қилишади. Ғалабага эришиш сирларини ўз қўл остидагиларга ўргатишади.

Офицерлик — шарафли ва фахрли касб. Ана шу касбни танлаган йигитларнинг фикр-ўйлари, мақсадлари билан қизиқдик. Уларни бу қутлуғ даргоҳга етаклаган эзгулик Ватан меҳри эмасмикан?!

Баҳром УТЕГЕНОВ Қорақалпоғистоннинг Беруний район, Беруний номли совхозидан: — Оиламизда уч ўғил, икки қиз вояга етмоқда. Онам Марьям Ўтегенова пахта заводида ишлайдилар. Отам эса вафот этганлар. Мен 1990-92 йилларда Германияда хизмат қилдим. Шу ерда сиёсий иш бўйича ходим майор Александр Владимирович Бокий билан ота-боладек бўлиб қолдик. Менда шу ажойиб инсон каби ҳарбий хизматчи бўлиш орзуси туғилди. Амаким ҳам ҳарбий хизматчилар. Улар шу касбларни туфайли катта обрў-эътиборга эга бўлганлар. Мен уларга ҳам жуда ҳавас қилардим. Шу боисдан ҳам мана шу билим юртига кириб ўқишга қарор қилдим. Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз осойишталигини сақлаш ишига ҳисса қўшиш менинг эзгу мақсадим.

Муҳриддин ИБРОҲИМОВ, Фарғона вилоятининг Риштон шаҳридан:

— 1992 йилда Фарғонадаги суворовчилар махсус мактабини битирдим. Ҳарбийлик касбига ёшлигимдан қизиқаман. Ўз хоҳишим билан шу ерга ўқишга келганим учун ҳам барча қийинчиликларга чидамоқдаман. Дастлабки кунларда дала машқларида анча қийналган пайтларим бўлди. Энди барча қийинчиликлар ортда қолди.

Роҳатилла РАҲМАТУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳридан:

— Республика махсус мактаб-интернатини битирганман. Отам — Рихситилла Раҳматуллаев ҳарбий хизматчилар. Улар ҳам шу билим юртида таълим олганлар. Қариндошларимизнинг кўпчилиги ҳарбий. Мен ҳам улар изидан бормоқдаман. Мақсадим—билим юртини муваффақиятли тугатиб, она-Ватанимиз, халқимизга садоқат билан хизмат қилишдир.

Суннатилла АЗИМОВ, Қашқадарё вилояти Китоб районидаги «Дўрмон» қишлоғидан:

— 1992 йилда ҳарбий хизматга чақирилдим. Хизмат давомида капитан Дмитрий Артюнянович Игишевнинг офицерлик вазифасини бажариши, қўл остидагиларга нисбатан ғамхўрлиги менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, шанба, якшанба кунлари у турли спорт ўйинлари, кечалар ташкил этарди. Дам олиш соатлари ниҳоятда хушчақчақ ўтарди. Менда ҳарбий касбга бўлган ҳавас тобора орта борди. Ота-онам ҳам менинг ниятимни маъқуллашди. Мен шу билим даргоҳида ўқиётганимдан мамнунман.

Улуғбек РАҲИМОВ, Самарқанд шаҳар, Очамайли қишлоғидан.

— Самарқанддаги махсус суворовчилар мактаб-интернатини битиргач, шу билим юртига ўқишга кирдим. Бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим. Бухоролик Жамшид Сатторов билан дўстлашганимдан беҳад хурсандман. Бир-биримизга қийинчиликларни енгишда ёрдам қўлини чўзмоқдамиз. Жамшид рус тилини яхши билмаслиги сабабли олий математикадан бироз қийналмоқда. Мен эса унга шу фанни ўзлаштиришда ёрдам беряпман. Ўз она тилимизда ўқиганимизда янада яхши бўларди. У барча фанларни яхши ўзлаштиришимизга, ҳарбий билим ва жанговор техникани янада мукаммал эгаллашимизда ёрдам берган бўлур эди.

Дўстларимдан Артур Бегмаев ўзбек тилини ўрганишда бироз қийналмоқда. Унга ўзбек тилини ўзлаштиришда ёрдам беряпман. Мен эса ундан рус тилидан тушунмаганларимни сўраб биламан. Биз бўш вақтларимизни ҳам бирга ўтказяпмиз. Бирга телевизор кўрамиз, дарс тайёрлаймиз. Уйдагиларга хат ёзамиз.

Курсантлар билан суҳбатлашар экансиз, улар Ватандан фахрланиш туйғуси шаклланаётганидан, жонажон диёримизга чексиз муҳаббат, Ўзбекистоннинг истиқболига ишонч, унинг мустақиллиги ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш, халқимиз осойишталигини сақлаш туйғулари шаклланаётганидан қалбингиз қувончга тўлади. Улар истиқлолга, келажакка комил ишонч билан боқаётганликларидан ғурурланасан, киши.

Шу кунларда билим юрти синфхоналарида, спорт ва машқ майдонларида, лабораторияларда ўқиш ва машғулотлар қизғин давом этмоқда. Бу ерда курсантлар чиниқиш мактабини, ҳаёт дорилфунунини ўтамоқдалар. Ҳарбий жамоага бошчилик қила оладиган етук мутахассис бўлиб етишиш, билим юрти шон-шарафини ошириш учун астойдил интилмоқдалар.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

ЖИНОИЙ ГУРУҲЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

● СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоят ички ишлар бошқармаси турли назорат органлари билан биргаликда уюшган жиноятчиликка қарши кенг операция ўтказди.

Натижада Э. Толипов, Р. Тўйчиев, А. Сафаров, А. Климачев, Х. Савдиев, А. Дўсматов, Э. Саидов, Р. Тошмуродов, И. Мамедов, Б. Бозорбоев сингари шахслар қўлга олинди. Уларни тинтув қилиш жараёнида олинган ашёлар бир талай. Буюмлар орасида турли калибрли олтита ов милтиғи, ўнта қирқма милтиқ, икки мингдан ортиқ патрон, 7 килограмм атрофида гиёҳвандлик моддалари, 12 та видео ва радиоаппарат буюмлари, 5 минг пачка сигарет, 1400 килограмм шакар, 5 тонна ун, 350 шиша вино ва арақ, 80 килограмм чой, 2 миллион 500 минг сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмлари, 500 минг сўмлик заргарлик буюмлари, ГАЗ-24 автомашинаси, турли маркадаги автомобиллар, 141485 сўм пул бор. Назорат органлари ана шу шахслар қилмиши юзасидан текшириш ишлари олиб бориляпти.

Вилоят осойишталик посбонлари бу операцияни амалга ошириш учун аниқ ва тез ҳаракат қилдилар. Бу жиноятчилар гуруҳи шунча буюм ва молларни қаердан олган бўлишлари мумкин?

● САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Ички ишлар органларига жойлардан келаётган маълумотлар ҳар хил бўлиб, кишини ўйлантириб қўяди. Ургут шаҳрида рўй берган воқеалар ҳам текин даромад пайига тушган кишилар борлигидан далолат беради. Масалан шаҳардаги «Ойбек» автомобиль дўкони сотувчиси Э. Додиевнинг шоҳона ҳаёт кечириши ҳақида органларга маълумот тушди. Унинг уйи тинтув этилганда олинган буюмлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Булар 40 минг сўм пул, 300 минг сўмлик заргарлик буюмлари, 80 минг сўмлик газлама. Тинтув хулосаси ҳужжатга 1 миллион 140 минг сўмлик моллар олинганлигини қайд этди.

Ургут шаҳрида яна бир жиноят фош этилди. Ички ишлар органлари ходимлари шаҳар матлубот уюшмаси омбори мудири Н. Абдураҳимовнинг уйида тинтув ўтказди. Ўттиз ёшли йигит ҳар хил қалбакилик йўли билан анча-мунча ҳаромбойликка эришган экан. Унинг уйидан 402000 сўм пул, 49500 сўмлик заём, 419894 сўмлик газлама, чой, шакар, конфет, 16 калибрли ов милтиғи топилди.

А. АБДУЛЛАЕВ.

«ПАХТАКОР» ФАЛОКАТИ: ХУШОМАД ҚУРБОНЛАРИ

«Останкино» телерадиокомпаниясининг ўтган якшанба куни намойиш этилган «Кремль деворлари ортидаги сирлар» кўрсатувида иштирок этган собиқ СССР прокуратураси махсус ишлар бўйича собиқ катта терговчиси Алексей Калиниченконинг шаҳодат беришича, Ўзбекистон футболининг фахри саналган «Пахтакор» командасининг ўйинчилари ва Тошкент—Минск йўналишида учаётган самолётдаги бошқа йўловчилар мустабид тузумнинг қурбони бўлган экан. Терговчининг айтишича, ўша замонда чексиз ҳокимиятга эга бўлган КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби Леонид Ильич Брежневнинг шахсий самолёти осмонга кўтарилган пайтда унинг йўлида учраши эҳтимол тутилган самолётлар (туридан қатъи назар) уриб туширилиши ёҳуд учиш баландлигини ўзгартириши шарт эди. Бош котибга хушомад қилишга доимо шай турган ҳарбий ҳаво кучлари генералларининг буйруғига биноан Тошкент—Минск йўналишида учаётган самолёт учиш баландлигини (11.100 метр) ўзгартиради, натижада 1979 йилнинг 11 августида 5000 метр баландликда учаётган бошқа самолёт билан тўқнашади. Миллионлаб мухлисларни ларзага солган машъум фалокат шу тарзда содир бўлган экан.

(ЎзА).

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 26 февралда чиқади).

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● Газета — давр муҳри («Ўзбекистон овози» фахрийсининг эсдаликлари).

● Онасини тунаган ўғил (Ахлоқий мавзуда)

● Чўллар тарихидаги оқ доғлар (Публицист мулоҳазалари)

● Эътибор Охунова ижодхонасида.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

БАРЧА КОРХОНАЛАР ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

«Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси чекланмаган миқдорда кварц қумларини сотиб олишни таклиф этади. Бу кварц қумлари таркибида қуйидаги моддалар бор:

1. Кремний оксиди 80—80% дан кам эмас
2. Алюминий оксиди 5,3% дан кам эмас
3. Темир оксиди 0,8% дан кам эмас

Фракциялар бўйича гранулометрик состави: 0,14 мм — 65% қолган қисми 5 мм, кучсиз таъсир остида тез бузиладиган (емириладиган).

1. Шиша саноатида
2. Қуймачилик ишлаб чиқаришда
3. Пляжларни ва болалар майдончаларини тўлдиришда
4. Ювувчи нарсаларни ишлаб чиқаришда қўшилади.

Нархи келишилган ҳолда бўлади. Олиб чиқиб кетиш автомобиль ёки темир йўл транспорти орқали амалга оширилади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Янгийўл Дон саноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси шу бирлашма директори М. Л. Маматжоновга онаси

Валияхон СУЛАЙМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари Давлат уюшмаси, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Х. С. Маҳкамовга муҳтарама бувилари

ҲАЛИМА АЯ

нинг вафот этганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. Оллоҳдан марҳумани ўз раҳматидан бенасиб қилмаслигини сўрайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-34-69; 32-53-97.
«Осиё бозори» — 33-76-04; 32-53-15.
Котибият — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 2-42-62;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22; Урганчда 6-72-60;
Жиззахда — 3-31-86; Термизда — 2-23-01.
Қаршида — 3-25-79;

Навбатчи муҳаррир: Ҳ. ЭРМАТОВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чегараланмайди.
● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
● Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозни қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Тиражи — 165076 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—20.00
Г—07 № 36: 1 2 3 4 5 6.